

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 ноябрь кун Оқсаройда Буюк Британия мудофаа вазири Жеффри Хунни қабул қилди.



Буюк Британия мудофаа вазири Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш борасида юрифтаётган сиёсати ва амалий саъй-ҳаракатларини юксак ба-

ҳолади. Мулоқот чоғида минтақадаги вазият, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, жумладан, ҳарбий-техникавий соҳада ҳам янада мустақ-

камлашга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

■ (ЎзА) **Сурамда: қабул нәйти** Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

2001 YIL 15 NOYABR ♦ PAYSANBA ♦ № 135 (26.837)

## ЎТ ЎЧИРИШ МАШИНАЛАРИ ЎЗИМИЗДА ЙИГИЛМОҚДА

Дарҳақиқат, Россия, Украина сингари ҳамдўстлик мамлакатларидан катта-катта ҳаражатлар эвазига келтирилмайдиган ўт ўчириш машиналари эндиликда ўзимизда йиғилмоқда. Бу ўринда Навоий тоғ-кон металлургия комбинати мутахассис-муҳандислари ҳатти-ҳаракати нҳоятда қўл келмоқда. Комбинат саноатчиларининг тадбиркорлиги туфайли Навоий машинасозлик заводида ўт ўчириш машиналарини тўла йиғиш ва капитал таъмирлаш қўшма корхонаси иш бошлади. Янги корхонага Украинанинг Прилукс шаҳридаги ўт ўчириш машиналари ишлаб чиқарадиган завод ишбилармонлари асос солишди. Натижда Урта Осиёда ягона бўлган ёнғин машиналарини Навоийда тайёрлаш имконияти туғилди.

— Ташкилий даврда Украинадан атиги 2 та машина учун бутлаш ва созлаш эҳтиёт қисмларини олиб келиб, иш бошлаган бўлсак, эндиликда йилга ўн та сингари ўт ўчириш машиналари тайёрлаш қувватига эгамиз, — дейди қўшма корхона директори Владимир Гусал. — Ўзбекистон учун четдан бу каби машиналарни сотиб олишга мутлақо ҳолат қолмади. 30-33 минг АҚШ долларида баҳоланувчи ўт ўчириш машиналарини энди 22,5 — 23 минг долларда Навоийдан сотиб олиш мумкин бўлади.

■ Музаффар ШАРОПОВ

## МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Хукукий демократик давлат қуриш бугун ҳар бир кишидан катта масъулият талаб этади. Тошкент вилояти ҳокимлигида «Жиноий ҳазорларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросига бағишланган тадбирда ҳам худди шу масалага алоҳида урғу берилди.

Унда республика Олий суди, прокуратура ходимлари ҳамда вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, жиний ишлар бўйича суд раиси, ички ишлар ва боқона суд қармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этишди.

Катнашчилар ишбу Қонун талабларини амалга оширишга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олишди.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ

## ҲОЛИБЛАР

## ТАҚДИРЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб истиқлолни улуғлаш ҳурлик, озодлигини кўйлаш, Ватанимиз мустақиллигини тараннум этиш мақсадида ташкил этилган «Истиқлол тонги» танлови нҳоясига эғди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ташаббуси билан ташкил этилган танловга йил давомида қўллаб-қувватлаш ва насрий асарлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Танлики иҳодкорлар ва ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғинда «Энг яхши шеъринг асар», «Энг яхши насрий асар», «Энг яхши эссе» йўналишлари бўйича ғолиб деб топилганларнинг номлари эълон қилиниб, уларга мукофотлар топширилди. Тадбирни олиб борган Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов танлов ташкилотчиларига иҳодкорлар номидан миннатдорчилик билдириб, бундай танловларнинг ўтказилиши адабиётимизда янгидан-янги асарлар дунёга келишини таъминлашини таъкидлади.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ



2001 йилнинг 13 сентябрь кунини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясининг чақирилдиши муносабати билан Марказий Кенгашнинг мамлакат парламентидаги партия фракциясига қўмак беришни ташкил этиш юзасидан тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, партия Марказий Кенгашининг ишчи гуруҳи тузилиб, у ҳар галгидек, фракциянинг сессияли ишларига услубий-ахборий ёрдам қўрсатишини ташкил этади.

Котибият партия Марказий Кенгаши ҳузурида доимий фаолият кўрсатадиган Экспертлар гуруҳини тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаб, унинг таркибини тасдиқлади. Халқ ҳўжалиги турли соҳалари мутахассислари, олимлар ва партия фаолларидан таркиб топган,

жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи, Экспертлар гуруҳининг асосий вазифалари этиб Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, республика Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига партиядан сайланган депутатлар фракцияси ҳамда гуруҳларининг ХДП Дастури устуворликларини амалга оширишларига қўмак бериш мақсадида, маслаҳатлар бериш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, тақдирлар тайёрлаш белгиланди.

Мажлисида Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2002 йил учун обунанинг бориши тўғрисидаги масала кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига келаси йил учун обунани ташкил этиш бўйича Марказий Кенгаш Сисей ижроия қўмитасининг жорий йил 13 сентябрдаги қарорининг бажарилиши таҳлил этилиб, бу ишнинг кўпчилик партия ташкилотларида қонқарисиз эканлиги қайд қилинган. Айниқса, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Навоий ва айрим бошқа вилоят ҳамда шаҳар, туман партия ташкилотларининг обунани уюштиришга оид фаолиятларини мутлақо талабга жавоб бермаслиги, Қашқадарё ви-

## ХДП ХАБАРИ

### ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ЎТА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА!

лоят кенгашининг ушбу обуна мавсумида, олдинги йилларга қараганда, анча сует ишлаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Марказий Кенгаш Котибияти барча партия ташкилотларидан Ўзбекистон ХДП МК Сисей ижроия қўмитасининг жорий йилнинг 13 сентябрдаги 2002 йил учун партия марказий матбуот нашрларига обунани уюштириш юзасидан қарорининг бажарилишини таъминлашга қаратилган шўшилич чора-тадбирларни кўришни талаб қилди. Партия матбуот нашрларига келаси йил учун обуна боришини МК Сисей ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этиш мақсадида мувофиқ, деб топилди. Котибият йиғилишида, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## МУЛОҲАЗА

— Мамлакатимиз раҳбарияти кейинги йилларда асарларчиликни ривожлантиришга кенг аҳамият бермоқда. Фарғона шаҳрида ўтказилган «Асал» байрами ҳам шу соҳага эътиборнинг кўчаириганидан далолатдир. Биз республика қонунчилик идораларига «Ўзбекистон Республикасида асарларчилик ва асарларчиликни муҳофаза этиш» ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим этганмиз. Агар ушбу қонун қабул қилинса, Ўзбекистонда асарларчиликни ривожлантириш учун яна ҳам улкан имкониятлар пайдо бўларди. Бундан ташқари, асарларчиликни янги технология ва техникавий воситалар билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда зоотехник-асаларичи, асарларчи-эколог, биолог-асаларичи каби мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш пайти ҳам келди. Умуман, Фарғонада ўтказилмайдиган илмий-амалий конференцияда республикамиз асарларчиликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар хусусида кенгашиб оладилар.

■ Суҳбатдош: Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

## ЎЗБЕК АСАЛАРИЧИЛИГИ:

ҳарини олиш мумкин. Асалари захарининг бир граммидан жўн бозорида 100 доллар туради. Бундан ташқари асалари «она» сўти, прополис, гул чанги, мум каби маҳсулотларни ҳам қўллаб ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятлари ҳам дунёдаги энг қўл асал ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан ҳисобланади. Республикаимизда асал ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бирок, бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар йўқ эмас. Бир рақамни айтийин. Ўзбекистондаги фақат асалчилик ҳўжалиқларининг ўзини-ўзида 80 мингдан ортиқ асалари оилалари бор.

қурлигидан далолатдир. XIX аср охирида асаларичилик Туркистон ўлкасида халқ ҳўжалигининг бир тармоғи сифатида шакллана борди. 1908 йили Самарқанд шаҳрида биринчи марта ўзбек тилида «Асаларичилик» китоби чоп этилди. Фарблик олим Л. Лангстротнинг бу китобини ўзбек тилига самарқандлик Кўкнубой Абдухаликов таржима қилган эди.

— Ўзбекистонда асаларичиликнинг бугунги аҳволи қандай?

— Республикаимизда юртимиз иқлимига мослашган 500 мингга яқин асалари оилалари бор. Улар юртимизнинг миллий бойлиғи ҳисобланади. Ҳар йили 2,5-3 минг тонна атрофида асал маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Биргина Республика «Асал» уюшмаси тизимида 80 мингдан ортиқ асалари оилалари бор.

## САМИИЙ ЭЪТИРОФ

ҳақида фикр билдирар экан, унда Ҳиндистон ва Ўзбекистон муносабатлари, хусусан, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик, иқтисодий ва маданий алоқалар яқош ўз ифодасини топанганини маънавий асослаб берди.

Бундан ташқари, ушбу китобда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бўйи олиб бориётган туб ислохотларнинг самараси, бунёдкорлик ишлари хусусида самимий эътирофлар битилган. Айниқса, «Ўзбекистон дунёдаги тинчлик жарчиси», «Ўзбекистоннинг Халқаро терроризмга қарши кураши» номи билан берилган қизқарғил фактлар, таҳлилий ҳулосалар ўқувчини мулоҳазага қаролайди.

■ ШОҲИСЛОМБЕК

## ЎЗБЕК АСАЛАРИЧИЛИГИ:

ҳарини олиш мумкин. Асалари захарининг бир граммидан жўн бозорида 100 доллар туради. Бундан ташқари асалари «она» сўти, прополис, гул чанги, мум каби маҳсулотларни ҳам қўллаб ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятлари ҳам дунёдаги энг қўл асал ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан ҳисобланади. Республикаимизда асал ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бирок, бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар йўқ эмас. Бир рақамни айтийин. Ўзбекистондаги фақат асалчилик ҳўжалиқларининг ўзини-ўзида 80 мингдан ортиқ асалари оилалари бор.

— Хўш, юқоридаги натижаларга эришмоқ учун қандай истиқболлар мавжуд?

— Суҳбатдош: Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

## НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози» — 220  
«Голос Ўзбекистана» — 121

## БУЮК БРИТАНИЯДА «ИСЛОМ КАРИМОВ» ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ



Халқаро спорт мусобақалари тақвимида Ўзбек миллий кураши бўйича жаҳоннинг турли бурчақларида ўтказилаётган нуфузли турнирлар ҳам муносиб жой олган. 10-11 ноябрь кунлари Буюк Британиянинг Дардфорд шаҳрида ана шундай аjoyиб мусобақалардан бири — «Ислам Каримов» аънаваный турнири бўлиб ўтди.

Мусобақалар болалар, катталар ва фахрийлар ўртасида ташкил этилди. Вазни 40 килограммга бўлган ўғил болалар баҳсида дардфордлик Жей Эдварде биринчи ўринни кўлга киритди.

Вазни қирқ килограммдан юқори бўлган ёш полвонлар иштирокидаги беллашувлар ҳам қизиқарли ва муросасиз кечди. Бу тоифада бел олишган полвонлардан Кристчорч вакиллари — Доминик Лам ва Виллиам Вуд биринчи ва иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса маидстоунлик Адам Харкнесга насиб этди. Болалар ўртасида ўтказилган мутлоқ вазн тоифасида мезбон шаҳар — Дардфорд вакили Жон Данован барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи поғонага кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги бахслар фақат мутлоқ вазн тоифасида ўтказилди. Саттингборнлик Деби Жексон Аделе Финлей ва Амбер Харисонни ортда қолдириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Энг қизгин ва муросасиз курашлар катталар ўртасида кечди. Вазни 66 килограммга бўлган катталар орасида ҳам болалар ўртасида мутлоқ вазн тоифасида ғолиб чиққан Жон Данованнинг курагини ерга теккиздиган топилмади. У Пол Соьер ва Жон Маккартидан устун келиб, мусобақа ғолиби бўлди.

73 килограммга вазнга эга бўлган курашчилар орасида саттингборнлик Ашлей Костага тенг келадиган полвон бўлмади. Кейинги ўринларни А.Костанинг ҳамшаҳари Дани Каррот ва эсселик Питер Чейлд банд этди. Ҳар қандай яққолаш турларида оғир вазни полвонлар баҳси кўпчилик муҳлис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Дардфорддаги турнирда вазни 90 килограммга бўлган полвонлар беллашувида Хуберт Отибка ва Колин Каррот биринчи ҳамда иккинчи ўринларни ўзаро бўлишиб олди. 90 килограммдан юқори вазнда бел олишган курашчи баҳсида дардфордлик Билли Саржент Греция вакили Георгиус Андреадус устидан ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасида бел олишган курашчи баҳсида дардфордлик Билли Саржент Греция вакили Георгиус Андреадус устидан ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасида бел олишган курашчи баҳсида дардфордлик Билли Саржент Греция вакили Георгиус Андреадусга тенг кела олмади.

Аёллар эса мутлоқ вазн тоифасида курашди. Натижда Жойси Мэли Кэй Андриус ва Мариан Вудни мағлубиятга учратиб, шохсупага кўтарилди.

Эракарл ўртасида мутлоқ вазн тоифасида курашган Билли Саржент Георгиус Андреадусни финалда мағлуб этиб, биринчи ўринни эгалладилар. Кейинги поғонани кристчорчлик полвонлар — Пол Соьер ва Син Финлей банд этди.

Шундай қилиб, Буюк Британияда иккинчи мартаба ўтказилган «Ислам Каримов» турнири зўр муваффақият билан якуланди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўзбек миллий кураши бўйича нуфузли мусобақалар ўтказилаётгани эса миллиатимиз фахри бўлган спортнинг бу тури жаҳонда тобора оммавийлашаётганидан далолат беради.

■ Зоҳир ТОШЎҲЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

## ХРОНИКА

### КОБУЛ ЗАБТ ЭТИЛДИ:

### БўЛАЖОҚ ҲУКУМАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

### Шимолий иттифок кучлари Афғонистон пойтахти

Кобулдан забт этганлардан сўнг барча оммавий ахборот воситалари мамлакатда рўй бермаётган шиддатли ўзгаришлар ҳақида ёзмоқда.

Умуман Шимолий иттифок кўшинларини Кобулга кириши аҳоли томонидан қизгин кутиб олинган. Эслатиб ўтамиз, Кобул жангсиз олинди. Талиблар ҳозир ўз кучларини Қандаҳорда тўпалаб қўришни шўроқда. Базми маълумотларга кўра, АҚШ махсус гуруҳлари ҳозир айнан Қандаҳор оstonаларида шиддатли жанг олиб боришга шай туришибди.

Талиблар раҳбари мулла Умарнинг Покистонга қочиб ўтгани ҳақида хабарлар бор. Мулла Умар ва Усама бин Ладин Шимолий кучлар томонидан ҳарбий жиноятда айбонлиши ҳақида эълон қилинди. Бин Ладиннинг ҳозир ҳам Афғонистонда, яъни айнан Қандаҳорда эканлиги тахмин қилинмоқда.

Хуллас, ҳозир Кобулдаги барча маъмурий бинолар Шимолий иттифок томонидан банд этилган. Иттифок ташқи ишлар вазири доктор Абдулла мамлакатдаги барча сиёсий партияларни янги ҳукумат ташкил этиш борасида мунозарарга чақирди. Албатта, Афғонистондаги бу шиддатли ўзгаришларга БМТ, Ғарб муносабати зудлик билан баён этилмоқда. БМТнинг нуфузли дипломати Франсис Вендренл шу масала муҳокамаси учун дарҳол Кобулга жўнади.

Хуллас, ҳозирча Афғонистонда муваққат ҳукумат бўлиши керак деган ҳулоса «6+2» ва БМТ томонидан тасдиқланмоқда. Тез кунларда Бирлашган Араб Амириликда БМТнинг махсус конференцияси ўтиши режалаштирилган. Ушбу конференцияда мамлакатдаги барча сиёсий партиялар қатнашини лозим. Афғонистонда янги ҳукуматни ташкил этишдаги асосий ўрин БМТга берилашга ҳеч ким қарши эмас. Бу ташаббусга Шимолий иттифок кўшинларининг ҳам қаршилиги йўқ.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелдининг баёнот беришича, Шимолий иттифокнинг бу муваффақияти аксилтеррорчилик кураши тугади, дегани эмас. Бин Ладин ва «Ал-Қаида» солаётган ҳавф хали кўчи.

Шимолий иттифокнинг ички ишлар вазири Юнус Қонуннинг маълумот беришича, ҳозир талиблар Афғонистоннинг 20 фоиз ҳудудини янги тасарруфларида соқлаб қолган, холос. Шунингдек, Лоғор, Кунар, Нангангар каби туманларда талибларга қарши исён ҳам кўтарилган. Сўнги соатларда Шимолий иттифок томонидан тарқатилган хабарга кўра, талиблар Қандаҳорни ҳам ташлаб чиқиб кетишмоқда.

Талибларнинг Покистондаги «изси йўқолган» собиқ элчиси Абдул Салом ўрнида фаолият юрифтаётган Соҳайил Шохнинг маълумот беришича, талибларнинг чекиниши стратегик мақсадларни қўлаб амалга оширилган эмас. Ҳозир талиблар сафида 40 000 жангчи борлиги маълум қилинади.

Хабарларга кўра, Буюк Британиянинг яна 2 мингга яқин ҳарбийлари 48 соат ичда Афғонистонга киритилади. Ушбу ҳарбий қисм талиблар билан жангга киришиш мақсадида эмас, балки мамлакатдаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.





Давоми. Боши 3-бетда

Унинг суратлари ҳам Европада муносиб баҳоланганди. Тўғри, бу суратлар орқали ўзини кўз-кўз қилмасди. Бош-йўғи ишсиз қолган, сайловда мағлубиятга учраб, 10 йиллаб парламент ва лавозимларидан айланган кезлари бу суратларни чизар, ўз қобилиятини санъатда ҳам синаб кўрарди. Парижда 1921 йили намойиш этилган «Манзаралар» туркумидаги суратларига Черчилль Чарлз Морен деб имзо қўйган эди.

У адабиёт ва санъатни мукамал билмаган, бу йўлда анча машаққатларга дуч келган инсон эди. Черчиллнинг сиёсатдаги ҳаёти ҳам анча машаққатли кечди.

ЧЕРЧИЛЛЬ — СИЁСАТЧИ

Юқорида айтганимиздай Уинстон Черчилль 25 ёшга ҳам қирмасдан Англияда ўзини кўрсатган, қолаверса, у «налаг тоза» одам сифатида ҳам сиёсат майдонига кириб боришга ҳақли эди. Шундай қилди ҳам. Лекин, ҳаётда бу йўлда жуда кўп қийинчиликлар, изтиробларга дуч келди. У ўз олдига бир кун келиб Англия ҳукуматини бошқаришни мақсад қилиб қўйган ва шу мақсадга эришиш учун ўз

иродасини мустаҳкамлаб борарди. Агар Черчилль сиёсат уммонига шўнғимаган тақдирда, Англия тарихида буюк журналист, ёзувчи сифатида қолиши шубҳасиз эди. 1899 йили консерваторлар партиясидан бўшаб қолган ўрин учун парламент депутатлигига номзоди қўйилди. У сиёсатда илк бор мағлубиятга учради. Сайловдан ўтолмаган иккинчи бор ҳам ўша аввал номзодини қўйган — Олдем шахрида депутатлик учун кураш олиб борди. Тагин ўтолмади. 26 ёшли йигит энди Англия билим даргоҳларида сиёсий маърузалар ўқишга киришди. Ёзувчилик ва журналистика, маърузалардан топган пули анчагина жамғарилган эди. Сиёсатда фаол иштирок этиш учун у моддий жиҳатдан бақувват бўлиш лозимлигини яхши биларди.

Нихоят 1901 йилда унга парламент биносининг остонасини ҳатлаш насиб қилди. Умумпалата аъзоси бўлди. Парламентда фаол иштирок этди. Черчилль парламентга киришдан мақсад юқори лавозимни қўлга олиш лозим, деб ўйларди, умуман ҳар бир сиёсатчи шундай фикрда қатъий эди. Мамлакат таърихида келган Бальфур унга бирорта вазирилик лавозимини тавсия этмади. Шундан сўнг Черчилль консерваторлар партиясини сафидан чиқиб либералларга ўтди. Либераллар галабасидан сўнг Черчилль 1905 йил савдо ва

зирилинг ўринбосари бўлиб ишлашга тақлиф этилди. Ҳукумат тепасига либераллар партиясини раҳбари Кэмпбелл Баннерман келган эди. Бироқ, Черчилль бу лавозимни қабул қилмайди, колония ишлари вазирининг ўринбосари вазифасини сўрайди. Бу пайтда колония ишлари вазири Элджин эди. Черчилль худди отаси Рандольф каби савдонини эркинлаштириш ғоясини илгари сўради. Манчестерда бўлиб ўтган сайловда энг кўп овоз тўплади. У ўз сиёсий фаолияти давомида Наполеоннинг ҳаёт йўли, тутган позициясини синчиқлаб ўрганиб чиқди. 1908 йилда ҳукумат бошлиги Кэмпбелл Баннерман истеъфога чиқишини баён қилди. У кассаликка йўлиққан эди. Бош вазирилик лавозимини Яксвилт эгаллади. Ҳукуматни янгилай бошлади. Черчилль ундан савдо вазири лавозимини сўради. Баъзи бир сиёсий муаммолар тўғрисида Черчилль илтимоси амалга ошмади. 1908 йилдаги Манчестерда бўлиб ўтган сайлов муваффақиятсиз тугади. Черчилль сайловда ютқазди. Либераллар йўлини маъқуллаган Черчилли консерваторлар жуда ёмон кўришарди. Хуллас кетма-кет сайловлар, кетма-кет галаба ва турли хил лавозимлар, Черчилль ҳаётининг оддий тўсиғи айланиб борарди.

Черчилль 35 ёшида Англия ички ишлар вазири лавозимини эгаллади. У мамлакатда икки тар-

тиб-интизом ўрнатишда туб бурилиш ясади. Баъзи бир операцияларда хатто ўзи ҳам қатнашар эди. Черчилль ҳақида ўша пайтдаги таъки ишлар вазири Грея шундай деганди. «У жуда ақли ва фаол. У мамлакатда бош вазири вазифасидан ташқари барча юқори даражадаги ишларни амалга ошираётди...»

1911 йилнинг сентябрида Бош вазири Ахсвий ундан адмиралликка ўтиш-ўтмаслигини сўрайди. Черчилль рози бўлади. Ички ишлар вазириликни топшириб, ҳарбий-денгиз вазири лавозимини қабул қилади. Чунки вазият қалтис эди. Англия денгиз-флоти Германия билан бошланажак урушга тайёргарлик кўриши лозим эди. Орадан 33 ой ўтган, Биринчи Жаҳон уруши бошланди. Германия билан Туркия иттифок-

завига Черчилль кемага чиқолмай қолди. 1917 йилга келиб Ллойд Жорж унга ҳарбий асраҳалар вазири портфелини тақдим этди. Бироқ бу парламент ва унинг ташқарисида норозилик уйғотди. Кўпчилик сиёсатчилар Черчилли «бахтсизлик келтирувчи», дея ҳисоблаб, Дарданелла жангиди мағлубликнинг бош сабабчиси Черчилль деб билишар, унинг душманлари Черчиллнинг бу мағлубиятда айби йўқлигини махсус комиссия тасдиқлаганига ҳам эътибор бермас эдилар.

У ҳарбий-аслаҳа вазири сифатида танқид ишлар чикаришни йўлга қўйди. Англия ўз замонаси-

тагин сайловда ғолиб келиб, бутун рақибларини хайрон қолдирди. Бош вазири Стэнли ҳукумат раҳбарлари рўйхатини эълон қилди. Черчиллига молия вазири лавозимни насиб қилганди. У энди мавқеи жиҳатдан бошқарув ишда Бош вазирдан кейин турарди. Англия матбуоти энди Черчилль ҳақида нақадар омад-



У ИККИ ҚАЙИҚДА СУЗАРДИ

дош бўлди. Англия денгиз-флоти қўшинлари аҳоли танг эди. Кўмак етиб келмаган, армия ичиде Черчиллига нисбатан айрим генералларнинг аламзадалиги мавжудлиги тўғрисида Дарданеллада бўлган жангда Черчилль мағлубиятга учради.

1916 йилнинг декабрида Ллойд Жорж ҳукумат тепасига келди. Унинг Черчилль билан муносабати яхши эди. У ҳукуматдан Черчилль учун мансаб ўриниди ажратишни хоҳларди. Лекин консерваторлар бу масалада жиддий норозилик билдирдилар. Кўпчилик вазирлар Черчилль ҳукумат аъзоси бўлмаса, истеъфога чиқишини айтишди. Бироқ партиалар ўртасидаги кескинлик

нинг мукамал танқарига эга бўлди. Манбаларда Черчиллини «тунк отаси» деб ёзишларининг боиси бор.

1918 йил ярашув ахдномасига биноан биринчи жаҳон уруши тугади. Англия душманлари пароканда бўлган билан Черчиллнинг наздида яна бир хавф бор эди. Бу Россияда большевиклар томонидан амалга оширилган инқилоб эди. Россия инқилобининг тутғуни Европада ҳам етиб келиши, Англия ички ҳаётини безовта этиши мумкин деган ўй Черчиллини чулғанди. У инқилобининг «бадбуй» тутғунидан лоҳас бўла бошлаганди.

1924 йилда яна консерваторлар партиясини сафига ўтган Черчилль

ли, чўкаётган кемани тарқ этса-да, омад унга қилиб боқаварди, деб ёзарди. Бош вазири Болдуин ақли одам эди. У Черчилли ўзига яқин тутди. Англия келажаги учун ундан тўғри фойдаланди. Бу даврда, 5 йил ичиде, Черчилль Англия таррақийтига улкан хисса қўшди... 1929 йилга келиб эса фалақининг қўли билан Лейбористлар партиясини галаба қилди. Лейбористлар лидери Макдональд янги ҳукуматни тўзди. Черчилль консерваторлар партиясини аъзоси сифатида вазири ўринидигидан маҳрум бўлди. Шундан сўнг Черчилль 10 йил лавозимсиз юрди. Бу пайтлар у: «Дунёвий бўқор» китобининг охири томини ёзиб ту-

ри раҳбарлари иштирок этган Техрон конференцияси бўлди. Бунда Англия-Америка қўшинининг Фарбий Европада кириб бориши хал этилди. Черчиллнинг Англия фахрига айланганининг асосий сабабларидан бири у урушда хал қилувчи роль ўйнаганини Англия халқи яхши англаб етган эди. Черчилль уч марта Бош вазириликка сайланди. Фаолияти давомида у ҳақда қўплай хотиралар ёзилди. У ҳақда Маргарет Тэтчер шундай деганди: «Мен узок йиллар аввал илк бор Черчилль аъзо бўлган умумпалатага кирганимдан бағоятда фахрланаман...»

Уинстон Черчилль фахрли ва машаққатли ҳаёт билан 92 ёшида видолашди. 1965 йилнинг 24 январиде миёга қон қуйилиши натижасида ҳаётдан қўз юмди. Унга оилавий ҳаётда бир умр ҳамкорлик қилган, мустаҳкам ирода соҳибаси Клемментина эса эридан ўн икки йил ўтган 92 ёшида оламдан ўтди.

Черчилль ўз рафиқаси билан 53 йил умр кўрди... Ҳаёти давомида суронли йиллар ичра, унинг таржimai ҳоли билан шуғулланувчиларнинг ёзишича, Черчиллнинг уч фарзанди бўлган. Катта қизининг исми Диана, ўғли Рандольф ҳамда кичик қизи Сара буюк сиёсатчи ҳаётининг давомчилари эди.

■ Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТУФИН - ҲАМИША ДАСТУРХОНИМИЗ КҮРКИ. Янги йил совғалари Байрамона тўпلامлар. Энг катта турфа навлар. Юксак сифат, мақбул нархлар. Т.:(998-71) 191-36-48, 191-23-30. (Факс) (998-71) 191-05-52. 700076, Ташкент шаҳар, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179 А

САБР ҲАМ САВОБГА ДОҲИЛ

Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир. Бойси, Оллоҳ ҳар биримизнинг юрагиниздадир. Пайғамбаримиз (С. А. В): «Ман қола ло-илоҳа иллоллоҳу муҳаммадин абдуҳу варасулху», деганлар. Гап шундаки, бу сураи ихлос билан айтғувчи жаннатийдур. Шунда саҳобалар ул кишидан сўраптилар: ихлос билан айтиш қандок бўлур? Расулulloҳ (С. А. В) дептилар: «Оллоҳнинг буюрган ишларини қилмоқлик, қолганидан сакланмоқлик даркордир». Энди азизлар мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, тангри таоло инсонларга нималарни буюрган, не нарсалардан қайтарган? Динимизга бўлган эътиқодимиздан аёнки, Оллоҳим ҳар биримизни фақат халоллик, тўғрилик, меҳр-шафқатли, динбат билан хайрли ишларга камарбаста турмоқликни лозим кўради. Зеро, ўз нафсини кўнгли хуши деб билиб, бошқаларга озор бериш, зулм етказиш, хиёнатга қўл уриш, камситиш, иғво ва ҳасадни қўллаш, айниқса, хунрезлик динимизда қораланади. Шундай нимарсалар ҳақида фикр юритганимизда сўзсиз дунёнинг бениг тунгаси бўлиб турган Афронистондаги нохушликлар кўз олдига келади.

Уйлайманки, бундай ишларга кўпроқ мунофиқ кишилар қўл урадилар. Пайғамбаримиз эса ўз васиятларида мунофиқда учта иллат бор деганлар. У кишининг таъбирича, ёлғон сўзлаб ваъдасида турмаслик, омон-

очилур, дўзах дарчалари беркилур, шайтонлар кишиланлур. Бу ойнинг хосиятларидан яна бири шундаки, динимизга оид муҳим воқеалар Рамазон би-

виз одатдагидек маълум оқатларда оқватланиб, кейин дам олишга ўрганганмиз. Рўза ойларида эса бундай маром ўзгача шакл-шамойил олади. Шунинг ўзиёқ инсондаги имкониятлар ўзгача мақом олишидан нишондир. Шу ўринда Рамазон ойининг кеч қузакда рўза тутмоқ учун қулай фурсатларда кечиб

Table with 2 columns: BISMILLAHIR ROHIMIN RIZA TUTISH (OFGIZ EYITISH) NIYATI and IFITORLIK (OFGIZ OCHISH) NIYATI. Each column contains a table with dates and times for fasting and breaking fast.

гатди. Таржimai ҳоли баён этилган «Ҳаётининг дастлабки йиллари» китобини яратди. Шунингдек, «Фикрлар ва саргузаштлар» деган янги томини ниҳоялади. Бир қанча очерклар ёзди.

30-йиллар Англия ҳаётида оғир кечди. Кейинчалик иккинчи жаҳон уруши хавфи сезила бошлади. Бу пайтда Черчилль мамлакатнинг ҳарбий ҳаво тизимини мустаҳкамлаш зарурлиги ғояси билан яшади. Бу йўлда объектив тарздаги далиллар келтирди. Лекин, Англия парламенти Черчиллдан чўчири, аниқроғи, ҳукумат раҳбари ўз ўрнига Черчилль даъвогар эканлигини, барибир ҳукумат тепасига у чиқса, ўзининг қўтилмаган юришилари билан ислохотлар ўтказишини яхши биларди.

Дунёга нацизм ғояси хавф сола бошлади. Черчилль бутун уйғоқ кўчларни Гитлерга қарши курашга қорлади. У Англияни нацизмга қарши қўйиш ҳаракатига тушди. Хуллас, Черчилль яна сиёсий курашлар силсиласига шўнғиди. «Агар Гитлер бўлмаганде, Европадаги мавжуд ҳолат содир этилмаганда эди, Черчилль ҳеч қачон ҳокимиятга қайтмаган бўларди», деб ёзди америкалик публицист Френсис Нейлсон. Черчилль ҳам оддий ефрейтор — Гитлернинг ҳукумат тепасига келиб қолганига хайрат билан қаради. Бироқ Черчилль ҳеч қачон Гитлер билан учрашмаган.

Урушгача у Германияга сафар қилади, бироқ Мюнхенда режалаштирилган Гитлер билан учрашув амалга ошмай қолади. Иккинчи жаҳон уруши таърихида ҳаммамизга аён. Бу урушда Англияни Черчилль саклаб қолганди. Чунки, Чемберлен бош вазири вақтида у ҳарбий денгиз вазири бўлган, Черчилль Англия ҳарбий қудратига асосий роль ўйнаганди.

1940 йилнинг 10 майида Германия қўшинлари фарбий фронтга ҳужум қилди. Франция, Бельгия, Голландияга ҳам қарши уруш эълон қилинди. Бундай қалтис вазиятда, Англиянинг қисмати ҳал бўлиши муқаррар даврда эса Лондонда партиалар ора келиш-мовчилик авж олганди. Чемберлен ёлғиз ўзи уруш хавфидан қутулиш чорасини қилолмаслигини сезди. У Англия қиролдан ўз ҳукуматини истеъфого чиқаришни сўради. Қирол янги ҳукумат тузишни Черчиллга топширди. Ва, ниҳоят Уинстон Черчиллнинг йиллаб кутган, гоҳида қўл етмас бўлиб туюлган орази амалга ошди — у ҳокимиятни қўлга киритди, бош вазири бўлди. 1940-41 йилларда Англия бошида дахшатли бурон бошлангани мумкин эди, Англия халқатдан қутқариб қолди. 1942-43 йилга келиб Англия сиёсатида янги бурилиш ясалди. Кирқ учинчи йилнинг ноябрда фашизмга қарши курашаётган асосий ўч давлат собиқ СССР, АҚШ ва Англия давлатла-

ри раҳбарлари иштирок этган Техрон конференцияси бўлди. Бунда Англия-Америка қўшинининг Фарбий Европада кириб бориши хал этилди.

Черчиллнинг Англия фахрига айланганининг асосий сабабларидан бири у урушда хал қилувчи роль ўйнаганини Англия халқи яхши англаб етган эди. Черчилль уч марта Бош вазириликка сайланди. Фаолияти давомида у ҳақда қўплай хотиралар ёзилди. У ҳақда Маргарет Тэтчер шундай деганди: «Мен узок йиллар аввал илк бор Черчилль аъзо бўлган умумпалатага кирганимдан бағоятда фахрланаман...»

Уинстон Черчилль фахрли ва машаққатли ҳаёт билан 92 ёшида видолашди. 1965 йилнинг 24 январиде миёга қон қуйилиши натижасида ҳаётдан қўз юмди. Унга оилавий ҳаётда бир умр ҳамкорлик қилган, мустаҳкам ирода соҳибаси Клемментина эса эридан ўн икки йил ўтган 92 ёшида оламдан ўтди.

■ Кўчқор НОРҚОБИЛ

APLOVIT ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ. NEW APLOVIT — ҲАЁТ МАНБАИ! БУНГА ҚУРБИНГИЗ ЕТАДИ. ОРИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТИЛИНГ, ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ. БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК! Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» кўшма корхонаси. Телефон: (998-71) 195-56-43

BOSH MUHARRIR Azim SUYUN TAHRIR HAY'ATI Abdulla ORIPOV Abdulhafiz JALOLOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona») Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib) Rahima HAKIMOVA Tolepbergen QAIPIBERGENOV Farmon OMONOV Mahkamboy O'MAR og'li

MUASSIS: OZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI OZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR: Siyosat va huquq — 133-44-55 Iqtisodiyot — 133-76-04 Ma'naviyat — 133-07-20 Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 133-55-16 Axborot — 136-55-16 Kotibiyat — 133-72-83 Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80 Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan. VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-16-16 Buxoroda — 222-10-92 Gulistanoda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-12 Samarqandda — 35-20-54 Toshkentda — 36-53-16 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Qarshida — 4-61-35 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY. Navbatchi Yunus BO'RONOV Gazeta «Ozbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV «Sharh» nashriyot kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan nashrga olinadi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqob. «Ozbekiston ovozi» materiallarini kodirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 3002 Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA